Дунё ўзи бир матодир. Дунё матоларининг энг яхшиси солиҳа аёлдир », дедилар

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дунё ўзи бир матодир. Дунё матоларининг энг яхшиси солиҳа аёлдир », дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда дунё ва ундаги барча нарсалар бир муддат роҳатланадиган мато бўлиб, кейин завол топадиган нарса эканини ва дунёнинг энг яхши матоси – кўрса қувонадиган, буюрса итоат қиладиган ва агар йўқ бўлса, уни ва молини ҳимоя қиладиган солиҳа аёл эканини хабар бердилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5794